

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**«Тошкент вилояти телерадиоканали» ДМ**  
**директори в.в.б**



**О.Бегалиев**

**24 март 2025 йил**

**«Тошкент вилояти телерадиоканали» давлат муассасаси ходимлари**  
**иштирокида ўтказилган йиғилиш баёни**

Тошкент шаҳри

**№ 10**

2025 йил 24 март

**Раислик қилувчи:** О.Бегалиев — «Тошкент вилояти  
телерадиоканали» ДМ директори в.в.б.

**Қатнашувчилар:** ТРК ходимлари

**Кун тартиби:**

**Жорий йилнинг 5 март кuni ўтказилган Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти Шавкат Мирзиёев Коррупцияга қарши курашиш миллий**  
**кенгаши йиғилишида юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш**  
**бўйича берган топшириқлари юзасидан мулоқот**

Йиғилиш раиси О.Бегалиев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари ҳамда ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда кун тартибидаги асосий масала бўлган 2025 йил 5 март кuni ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича берган топшириқлари юзасидан ходимларга тушунтириш, огоҳлантиришлар бериб ўтди. Коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатларни шакллантириш, коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш, барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ходимлар фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш зарурлиги ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шундан сўнг бош муҳаррир С.Ғуломов сўз олиб, коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

талабларига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор дунё тажрибаси, шунингдек МТРК ички ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши, ҳар бир ходим коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва МТРКнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун тизимдаги корхона-ташкилотлар директорлари ва МТРК раисига ҳеч қандай тўсиқсиз мурожаат қилиши мумкинлиги, ходимлар ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ва МТРК тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозимлиги ҳақида фикр билдирди.

Шундан сўнг бир қатор ходимлар ҳам ўз саволлари, фикрлари билан иштирок этиб, янада баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Йиғилиш сўнгида ижодий жамоага жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши хусусан, коррупцияга йўл қўймаслик, таъмагирлик, порахўрлик каби иллатларга қарши курашиш ва мавзу юзасидан лавҳа ҳамда кўрсатувлар тайёрлаш, шунингдек, ҳар биримиз хушёр ва огоҳ бўлишимиз лозимлиги, лоқайдлик барча иллатларнинг сабабчиси эканлиги ҳақида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

**Баён тузувчи**



**Н.Норматова**